

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 37;371.381;372

Хафизова Нилуфар Хамдуллаевна

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА КАСБ-ҲУНАРГА ОИД
ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.01 – Педагогика тарихи ва назарияси

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2011

Тадқиқот иши Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида бажарилган.

Илмий раҳбар: педагогика фанлари доктори, профессор
Рисбой Ҳайдарович Джураев

Расмий оппонентлар: педагогика фанлари доктори, профессор
Ҳикматилла Фатҳуллаевич Рашидов

педагогика фанлари доктори, профессор
Фарид Рафаилович Юзликаев

Етакчи муассаса: Гулистон Давлат Университети

Ҳимоя 20 __ йил «__» _____ куни соат __ да Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги педагогика фанлари илмий даражасини берувчи К.067.44.03–рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш йиғилишида бўлиб ўтказилади.

Манзил: 100138, Тошкент, Кичик халқа йўли кўчаси, Г-9 «а» мавзеси, 21-а. Тел.: (+99871) 275-77-95.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ахборот-ресурс маркази кутубхонасида танишиш мумкин (100138, Тошкент, Кичик халқа йўли кўчаси, Г-9 «а» мавзеси, 21-а. Тел.: +99871275-77-95).

Автореферат 20 __ йил «__» _____ да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби,
педагогика фанлари номзоди, доцент

К.Н.Набиева

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислоҳоти “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да ўз ифодасини топган. Юртимиз тараққиётига хизмат қиладиган мустақил фикрловчи, баркамол, мустаҳкам интеллектуал салоҳиятга эга ёшларни тарбиялаш таълим муассасаларимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг замонавий босқичи ўқувчи шахси шаклланишида эркинликни таъминлашнинг янги қирралари очиб берилаётганлиги билан тавсифланади. Буни “Қар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга”¹ эканлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг IX боб 37-моддасида алоҳида қайд этилганлигида ҳам кўриш мумкин.

Президентимиз И.А.Каримов таълим, замонавий таълим тарбия йўналишини ислоҳ қилиш масаласида: “Замонавий таълим тарбия тизимини ислоҳ қилиш, замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш фаолиятимизни бош йўналиши бўлмоғи даркор”² деб таъкидлаб ўтади.

Шу муносабат билан мактаб педагогика жамоаларининг роли фақат ўқувчиларни ўқитишда ва тарбиялашдагина эмас, балки мактаб ўқувчилари маълумотининг зарур қисми ҳисобланган касб-ҳунар эгаллаш ишларини тўғри ташкил қилиш учун уларда таълимнинг илк босқичларидаёқ касб-ҳунарга оид тушунчаларни шакллантириб бориш жуда муҳимдир.

Шу йўналишдаги илмий ишларни тадқиқ қилиш натижалари асосида мавзунинг долзарблигини қўйидагича белгилаймиз:

- умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг касб-ҳунарга йўналтириш ишларини тўғри ташкил қилиш, дастлаб бошланғич синф ўқувчиларида касб-ҳунарга оид тушунчаларни шакллантиришдан бошлаш заруратини юзага келтиради;

- бошланғич синф ўқув предметлари касб-ҳунарга оид тушунчаларни шакллантириш имкониятларига эга-ю, аммо уларни бундан кейин мазкур жараённи амалга ошириш мақсадида очиб берилиши ва таҳлил қилиниши талаб этилади;

- агар бошланғич синфларда касб-ҳунарга оид тушунчаларни шакллантиришнинг асосий вазифалари ўқувчиларни меҳнатнинг турли кўринишлари, касб-ҳунар турлари ҳақидаги илк тасаввурларни ривожлантириш, ота-оналари ва бошқа оила аъзолари касблари ҳақидаги маълумотларга қизиқишларини фаоллаштириш, умуман, касб-ҳунар билан таништириш бўлса, у ҳолда ўрта ва юқори синфларда бу вазифалар мураккаблашади. Бу ҳолат дарсликларда мавжуд бўлмаган касб-ҳунарга оид ахборотларнинг тақчиллиги билан боғлиқ бўлиб қолади;

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – Б.23-25.

² Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б.45.

- ўқувчиларда касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантиришнинг самарадорлиги умумий ўрта таълим мактабларида тегишли ахборот (касблар маълумотномалари, касбга йўналтирилган мазмунли дарсликлар), ўқитувчилар учун методик қўлланмалар, тавсиялар, бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш бўйича мақсадли дастурлар тақчиллиги сабабли уларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш керак бўлади.

Бироқ, юқоридаги амалга оширилган тадқиқотларда ўқувчиларнинг касб танлаши жараёнида амалий ва назарий йўналтирилган билимларининг нисбати, бу билимларнинг дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида намоён бўлиши ва ривожланиши алоҳида муаммо сифатида қаралган, бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш алоҳида тадқиқот муаммоси сифатида ўрганилмаган. Шу сабабли амалга оширилган тадқиқотларда умумий ўрта таълим жараёнида ўқувчиларни касбий тайёргарлигини илмий асослаш муаммоси ўз ечимини етарли даражада топмаганлигини эътиборга олиб, биз тадқиқотимиз мавзусини «Бошланғич синф ўқувчиларди касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш технологияси» деб номладик.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Таълим-тарбия жараёнида педагогика назариясидан фойдаланиш, мазкур назария моҳияти, тамойиллари, таълим жараёнини лойиҳалаштириш, таълим мақсадларини белгилаш ва мақсаднинг натижаланганлигини ўрганиш, педагогика тарихи В.П.Беспалько, М.Очилов, Н.Саидахмедов, Н.Азизхўжаевалар, Р.А.Зуннунов, Ж.Ҳасанбоевлар томонидан очиб берилган.

Педагогика назарияси ва амалиётида меҳнат ва касб-хунар танлашга йўналтириш ишларининг ўзаро узвийлиги масалалари Р.Х.Джураев, Х.Ф.Рашидов, Ў.К.Толипов, П.Т.Мағзумов, А.В.Цой, Ш.Т.Эргашев, А.Ф.Антонов, О.А.Волкова, К.Давлатов, С.Умаров, Е.Ю.Пряжниковалар томонидан чуқур ўрганилган бўлса, бошланғич синф таълим-тарбия жараёнида Р.Мавлонова, М.Ҳайдаров, С.Мусаева, А.Раҳматуллаев, А.Тешабоев, Э.Холмирзаев, Ҳ.Санакуловларнинг кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда меҳнат турларига бўлган қизиқиш ва меҳнатсеварлик анъаналарини шакллантириш, Х.Ж.Худойкулов бошланғич синф ўқувчиларида иқтисодий тушунчаларни шакллантиришга оид илмий ишларида ўқувчиларни касб-хунар ҳақида дастлабки ахборотлар билан таъмишлаш муаммолари ўрганилган. Юқорида санаб ўтилган тадқиқотчиларнинг ишларида асосан дарс жараёни назарда тутилган бўлса, дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида касб-хунарга йўналтириш П.Қ.Холматовнинг илмий ишларида кузатилади. Тадқиқот муаммосига яқин бўлган мавзулар педагогик амалиётда касбга йўналтириш, кичик, ўрта ва юқори мактаб ёшидаги ўқувчиларни ташхислаш хусусиятларини ифодаловчи айрим мутахассисларнинг мақола ва методик қўлланмалари билан ҳам танишиб чиқилди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги Қонунида белгилаб берилган кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларига тегишли «4.13. Фан билан таълим жараёни алоқаларини ривожлантириш» банди мазмунига, шунингдек, Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига ҳамда унинг мақсад ва вазифаларига тўла мос келади. Шунингдек, тадқиқот иши Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг “Мақтаб ўқувчиларини касб танлашида фаоллаштирувчи консультатив таъсирининг илмий-педагогик шарт-шароитлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳа № ХТ-Ф 2-007 илмий ишлар режасига мувофиқ амалга оширилган.

Тадқиқот мақсади: бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш.

Тадқиқот ишининг вазифалари:

–тадқиқот муаммоси бўйича адабиётлар ва бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш мазмуни, шакллари, методларини назарий таҳлил қилиш;

–бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шаклланганлик ҳолатини ўрганиш;

–бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш технологиясини илмий-методик таъминлашни ташкил этиш;

–бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантиришнинг хусусиятларини ўрганиш ва тавсифлаш;

–бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

–дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш услубиятини ишлаб чиқиш;

–педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш;

–илмий тадқиқот ишлари натижалари асосида илмий ва услубий манбалар тайёрлаш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш.

Тадқиқот объекти: бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш жараёни.

Тадқиқот предмети: бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантиришнинг мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари.

Тадқиқот методлари: муаммони назарий таҳлил қилиш, дарсликлар ва методик ишланмалар таҳлили; педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил.

Тадқиқотнинг методологик асоси: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Халқ таълими вазирлигининг меъёрий ҳужжатлари, шунингдек, педагог ва психолог олимларнинг узлуксиз таълим тизимини ташкиллаштириш, баркамол шахс, малакали мутахассисларни тайёрлаш ва уларни касбга йўналтириш хусусидаги ғояларга хизмат қиладиган илмий ишлар.

Тадқиқотнинг илмий фарази. Агар:

–касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантиришнинг илмий-назарий асослари ўрганиб чиқилса;

–бошланғич синф ўқув предметларининг касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш имкониятлари очиб берилса ва асосланса;

–“ўқитувчи-ўқувчи” муносабатлари тизимида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантиришни идрок қилиш ва ўзлаштиришга имкон берувчи психологик-педогогик шарт-шароитлар аниқланса ва амалиётга татбиқ этилса;

–бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш технологияси ишлаб чиқилса, ўқувчиларнинг лаёқатлари, мойилликлари ва қизиқишлари эрта аниқланиб, касб-хунарга йўналтириш самарадорлиги ортади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

–бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантиришнинг педагогик муаммо сифатида назарий асослари;

–бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантиришнинг услубияти;

–бошланғич синф ўқувчиларини касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш технологияси;

–бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш технологияси илмий методик таъминоти;

–бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш юзасидан педагогик тажриба-синов ишларининг натижалари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

–бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш педагогик муаммо сифатида назарий асосланди;

–бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантиришнинг дидактик шарт-шароитлари аниқланди.

–бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш мазмуни илмий-услубий асосланди;

–бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантиришнинг тизимли технологияси ишлаб чиқилди;

–бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш технологияси илмий методик таъминоти яратилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти: тадқиқот иши ва 1-4-синф ўқувчилари билан ўтказилган педагогик тажриба-синов

ишларининг натижалари бошланғич синфларда касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантиришни тўғри режалаштириш, амалга оширишга имкон беради; бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш технологиясини жорий қилиш бошланғич синф ўқитувчилари ва мактаб психологлари кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар билан ишлашда касбга йўналтириш иши сифатини оширади; тадқиқот натижалари, хусусан, услубий қўлланма ва электрон ўқув қўлланма республикамизнинг барча умумий ўрта таълим мактабларида, шунингдек, педагогика олий ўқув юртларида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ва психологларини касбга тайёрлашда амалий жиҳатдан кенг қўлланилишида тадқиқот натижаларининг *илмий аҳамияти* акс этади.

Тадқиқот натижаларининг *амалий аҳамияти* шундан иборатки, бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш юзасидан илгари сурилган илмий-назарий, услубий фикрлар илмий-услубий журналларда нашр этилган мақолалар тарзида амалиётга жорий этилиши; улардан педагогика фанларини ўқитиш жараёнида фойдаланилиши; диссертациянинг хулоса ва натижаларидан тегишли таълим муассасалари ўқитувчилари ўзларининг иш фаолиятида услубий қўлланма сифатида фойдаланишлари ўқув-тарбия жараёнларининг илмий-педагогик самарасини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: тадқиқотда илгари сурилган ғоялар ва олинган натижалар тадқиқотчининг илмий мақола ва методик ишланмаларида ёритилган ҳамда халқаро ва Республика миқёсидаги ҳамда минтақавий анжуманларда, илмий-услубий семинарларда муҳокама қилинган. Яратилган услубий қўлланма, ҳамда электрон ўқув қўлланма амалиётга жорий этилган.

Диссертация ишининг асосий мазмуни 4 та республика ва 1 та халқаро миқёсида ўтказилган анжуманларда, хусусан, “Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда касбий ахборотлардан фойдаланиш” (РТМ, 2007 й.), “Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш истикболлари” (РТМ, 2008 й.), “Ахборот технологиясининг муҳим омили-масофавий таълим” (ЎМКХТТКМОУҚТИ, 2009 й.), “Педагогические условия повышения эффективности образовательного процесса среднего профессионального образования” (Яссавий номидаги халқаро қозоқ турк университети, Шымкент-Москва, 2009), “Бошланғич синф ўқув предметларинининг касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантиришда ўрни” (ЎМКХТТКМОУҚТИ, 2011 й.) каби мавзулардаги маърузалар орқали мутахассислар эътиборидан ўтказилди.

Тадқиқот ишининг синовдан ўтиши: тадқиқот ишининг асосий мазмуни Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти «Педагогик технологиялар» кафедрасининг навбатдан ташқари кенгайтирилган йиғилишида (27.08.2011, 7-сонли), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети хузуридаги К.067.44.03-рақамли ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семенарда

(30.11.2011, 16-сонли), шунингдек, Республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги: диссертация мазмуни ва тадқиқот натижалари юзасидан 2 та услубий қўлланма, 1 та электрон ўқув-қўлланма, 6 та илмий мақола ОАК рўйхатига киритилган илмий журналларда, жумладан, 1 та Россия Федерациясининг «Педагогические наука» (2011 йилнинг 5-сони) журналида нашр этилди. Шунингдек, “Касбий фанлар методикаси” журнали, Ziyonet ахборот таълим тармоғи(Ziyonet.uz/uzk/library/libid/70000/offset/240) ҳамда конференция тўпламларида 4 тезис эълон қилинди.

Диссертациянинг таркибий тузилиши ва ҳажми: диссертация кириш, уч боб, 6 та параграф, умумий хулоса ва тавсиялар, 111 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 3 та иловадан иборат бўлиб, 140 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсади, объекти, предмети, илмий фарази, вазифалари, методлари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, шунингдек, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатларлар баён қилинди. Тадқиқотнинг биринчи боби **“Бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантиришнинг назарий асослари”** деб номланиб, мазкуб бобда бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантиришнинг тарихий асослари ва бошланғич синф ўқув предметларининг касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантиришдаги ўрни ва мавжуд ҳолати ўрганилди.

Бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш ўз-ўзидан меҳнатга бўлган муносабатнинг шаклланиш жараёни билан боғлиқликда амалга оширилади. Чунки бу жараённинг мақсади фақатгина касб-хунар номлари билан таништиришгина бўлиб қолмай, ўрганилаётган бирор бир касб ёки хунарнинг мазмуни, вазифаси, ўзига хос томонлари, шунингдек, шу касб эгаларининг муваффақиялари билан ҳам ҳабардор қилиб боришни ҳам ўз ичига олади.

Фаробийнинг асарларида хунар ва санъатлар қайси тур ва соҳаларга тааллуқли эканлигига кўра бир-биридан афзал кўриниши таъкидланади. Масалан, бўз тўқиш, шойи тўқиш, атторлик, ҳовли супуриш, ракс санъати, фикҳ илми, табиблик ёки сўз санъати бир-биридан қанчалик афзал бўлса, бахтга эришув даражалари ҳам шунга ўхшашдир деб ҳисоблайди. Шунингдек, назарий ва буюк фикрий фазилат, улуғ туғма ва улуғ касб (касб-хунар) фазилати, одат-малака бўлиб қолган одамда бу фазилатлар иродани ҳосил қилишнинг ва одатга айлантиришнинг сабаби бўлади. Бундай одамлар чексиз ва жуда кучли табиат ва ирода эгалари эканлиги таъкидланади..

Кайковуснинг “Қобуснома” асарида касб-хунарга оид билимларга эга бўлиш зарурати юзасидан сўз бориб, хунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига наф еткурмас. Агар киши ҳар қанча олий насаб ва асл бўлса,

аммо хунари бўлмаса, халойиқнинг иззат ва ҳурматидан ноумид бўлур деган фикрлар келтирилади.

Касб-хунарга оид тушунчаларни болаларда ёшлик чоғларидан бошлаб шакллантириб бориш ҳамма замонларда ҳам долзарб ҳисобланиб, жамият ривожлангани сари олимлар томонидан янада чуқурроқ ўрганилиб, тўғри англаб борилаверган. Хусусан, улуғ мутафаккир шоир Юсуф Хос Ҳожиб томонидан бу борада ибратли ишлар олиб борилган. Алломанинг «Кутадғу билиг» асарида “Бир йигитга қирқ хунар оз” мавзусида хунарли кишилар улуғланади. Хусусан, ушбу асарда чорвадор, савдогар, дехқон, шоир, олимлар, юлдузчилар ва уларнинг меҳнатлари кадрланган.

Бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялашда халқ анъаналари ва урф-одатларидан фойдаланишни ўрганган А.А.Рахматуллаев ўз ишида меҳнатга мустақил ва ижодий ёндашиш хислатлари ривожланиши билан бирга, болаларда хунар ўрганишга қизиқишни ўстириб боришни муҳим ҳисоблайди.

Ҳ.Санакулов бошланғич синф ўқувчиларни касб-хунарга бўлган илк қизиқишларини меҳнат анъаналари асосида шакллантиришнинг аҳамиятини ўрганиб, илк касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш бевосита меҳнат ўқув предметини ўқитиш билан бир пайтда олиб борилиши муҳимлигини таъкидлайди. Ва касб-хунар танлашда меҳнат анъаналарини ўрганиш катта аҳамият касб этади, чунки у илмий асосланган ҳолда фойдаланиш учун замин яратади деб ҳисоблайди.

Э.Холмирзаев бошланғич синф ўқувчиларида фанлараро боғланиш орқали меҳнат дарсларини ўтилиш жараёнида миллий касб-хунарларга қизиқишни ўйғотиш мақсадидаги ўз илмий ишида бошланғич синф ўқувчиларини ёшлик хусусиятларига қараб, миллий касбларга бўлган қизиқишни шакллантириш ҳамда уларда меҳнат анъаналарига мойиллик, кўникма малакалар, ота-онаси касбига қизиқишни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини яратишнинг моҳиятини ёритади.

Р.Х.Джураев ва Ю.Нарольскаянинг изланишларида бошланғич синф ўқувчиларини касб ва меҳнат фаолиятига тайёрлашнинг мазмуни ва мақсади очиб берилиб, бу мақсадни амалга оширишда бошланғич синф ўқув предметлари мазмунидан унумли фойдаланишнинг самаралари эканлиги таъкиланади.

Узоқ ўтмишдан ҳозирги кунга қадар ёш авлодда касб-хунар тушунчаларини шакллантириб бориш ва меҳнат тарбияси тўғрисидаги илмий мероснинг маълум бир қисмини ўрганиб қўйидаги хулосаларга келиш мумкин:

-ўқувчиларда касб-хунарларга оид тушунчаларни шакллантириб бориш ишларига жиддий ёндашиш.

-тарихан шаклланган касб-хунар турларини ўқувчиларга ҳозирги замон нуқтаи назаридан ўргатишга эътибор бериш.

-касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантиришни таълим жараёни билан бир пайтда ташкил қилишни амалга ошириш каби муаммолар ечимини топиш заруратининг мавжудлиги.

Шундай экан, тадқиқот ишимизга доир баъзи сўзлар мазмунига тўхталамиз: тушунча сўзига қисқача шундай таъриф беришимиз мумкин: атроф-муҳитдаги ҳодисалар, предметларнинг муҳим хусусиятлари, улар орасидаги алоқа муносабатларни билиш. Касб – кишининг меҳнат фаолияти, доимий машғулоти тури; иш турини малакали бажаришга имкон берадиган билим, маҳорат, тажрибани талаб этади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳунар сўзи қўйидагича изоҳланади: ҳунар - муайян кўникма, маҳорат талаб қиладиган, тирикчиликнинг асосий манбаи ҳисобланувчи иш, машғулоти; касб. Бирор ишдаги маҳорат, санъат; моҳирлик, усталик талаб этувчи иш, ҳатти-ҳаракат.

Бошланғич синф ўқувчиларда касб-ҳунарга оид тушунчаларни шакллантириш энг аввало, ўқув фанлари асосида амалга оширилади.

Ўқув предметларининг ижодий таҳлили эса касб-ҳунарга оид тушунчаларни шакллантириш технологиясини яратишда асос бўлиб хизмат қилади.

Ўқув предметларини қўйидагича таҳлил қилдик: бошланғич синф ўқув предметлари таркибида жами 46 турдаги касб номлари 149 марта, 28 турдаги ҳунар номлари жами 140 марта такрорланган. Касб-ҳунарга оид тушунчалар фақатгина касб-ҳунар номлари билан эмас, балки, баъзи мавзуларда тегишли касбларнинг имкониятлари, шу касб эгаларнинг меҳнат фаолиятлари ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Шунингдек, ҳеч қандай касб-ҳунар номлари ишлатилмаган аммо, касб-ҳунар эгаси бўлишнинг моҳияти ҳақида ҳикоя, хикматли сўз, мақол берилган ўринлар ҳам мавжуд. Деярли барча предметлар таркибида у ёки бу турдаги меҳнат фаолияти ҳақида сўз боради. Ўқув предметлари таркибини таҳлил қилар эканмиз, касб номлари ҳунар номларига нисбатан сон жиҳатидан кўп турлари қўлланилганлигига амин бўламиз. Аммо ҳунар номлари кам ишлатилган бўлсада касб номларига нисбатан кўп маротаба такрорланган. Ҳар бир ўқув предметининг мавзулар доирасида қўлланилган тушунчалар кетма-кетлиги ишлаб чиқилди.


Ўқитувчи ўз тафаккури ва фаолияти уйғунлиги орқали дарс самарадорлигига эришади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг назарий билими, амалий кўникма ва малакаларини ҳисобга олган ҳолда ўқув материални тизимли баён қилишда хилма-хил методлардан фойдаланади. Айни шу жараёнда ўқув предметлари асосий восита сифатида хизмат қилади ва ўқитувчи ўқувчи орасидаги ўзаро алоқа ва фикр алмашинувига хизмат қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бошланғич синф ўқувчиларида касб-ҳунарга оид тушунчаларни шакллантиришнинг услубий асослари”** деб номланиб, мазкур бобда дарс жараёнида касб-ҳунарга оид тушунчаларни шакллантириш услубияти ҳамда касб-ҳунарга оид тушунчаларни шакллантириш тизими ёритилган.

Дарс – таълим-тарбия жараёнини ташкиллаштиришнинг асосий шаклидир. Зеро, пухта ўйланган услубларсиз дастурий материални эгаллашни ташкиллаштириш мушкул. Ўқувчиларнинг изланишларига, фаол ва мустақил билим олишларига ёрдам берадиган, уларни ижодий фикрлашга

ундайдиган ва фанга қизиқишини ривожлантирадиган ўқитишнинг усул ва воситаларини такомиллаштириш лозим. Шахснинг ахлоқий ривожланишида жамият билан мулоқотда бўлишда инсон касби катта аҳамиятга эга. Касбга меҳр қўйиш, унинг барча қийинчиликларини ўрганиш касб-хунарга оид тушунчалар шаклланишига туртки бўлади.

Педагогик омиллар ўқувчида касб-хунарга оид тушунчалар шаклланиши учун ўз таъсирини кўрсатади. Мазкур омилларнинг таъсири қуйидаги 1-расмда келтирилган.



1-расм. Педагогик омилларнинг таъсири.

Ўқувчиларда касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Касб ҳақидаги билимларни ўзлаштириш.
2. Ҳунарга оид билимларни ўзлаштириш.
3. Касб-хунарга оид тушунчалар мазмуни.
4. Ўқитувчининг ўқувчиларда касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш бўйича педагогик маҳоратга эга бўлиши лозимлиги.

5. Ўқувчида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантиришнинг даврлари, уларни ўзлаштириш даражалари ҳамда қизиқувчанлик қобилияти.

6. Ўқувчиларда касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш омилларининг ўзаро алоқадорлиги.

Ўқувчиларда касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидаги талаблар асосида аниқланди:

- а) ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ўрганиш;
- б) ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро муносабатлари асосида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш учун муҳит яратиш.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларига мувофиқ бошланғич таълим ўқув режасига: «Она тили», «Математика», «Ўқиш» «Табиатшунослик» ва «Инсон ва жамият» каби ўқув фанлари киритилган.

Мазкур ўқув предметларнинг ҳар бирида касб-ҳунарга оид тушунчаларни шакллантириш услубияти ишлаб чиқилди. Унга кўра, «Она тили»да машқлар, «Математика» мисол ва масалалар, «Ўқиш» бадиий жанрлар, «Табиатшунослик» матнлар асносида олиб борилади. Тасвирий саънат, меҳнат, мусиқа дарсларида ўқувчилар касб-ҳунарга оид тушунчаларнинг назарий асосларини амалда қўллай оладилар. Бошланғич синфда болалар турли касб эгаларини ҳаёти давомида кузатадилар. Жамиятнинг турли касбларидаги кўринишлари ҳақидаги тасаввурларини ранглар орқали тасвирлайдилар. Мусиқа дарсларидаги «Мавсум қўшиқлари» каби ўзбек халқ қўшиқларини ўрганиб, ижро этиш касб-ҳунар ҳақидаги тушунчаларни кенгайтиради. Меҳнат дарсларида турли материаллардан гул ва ўйинчоқлар ясашни ўрганадилар. Табиатдан намуналар асосида аппликация ва мозаика ишларида қатнашадилар. Қушлар учун донхўраклар ясашга қизиқадилар. Ўқувчиларда касб-ҳунарга оид тушунчалар эстетик ва меҳнат тарбияси алоқадорлигида шаклланади. «Одобнома» дарсларида эса касб-ҳунарга оид тушунчалар ахлоқ тарбияси билан ўзлаштирилади.

Умумий ўрта таълимнинг бошланғич синф ўқувчиларида дастлабки касбий тушунча ва кўникмаларни аниқлаш касб-ҳунарга оид тушунчаларни шакллантиришнинг изчил тизимини ишлаб чиқиш талаби кундан кун ортмоқда. Бу вазифанинг ижобий натижасини кафолатлаш жараёнининг аниқ лойиҳасини ишлаб чиқиш билан боғлиқдир. Ушбу тизимни таълим жараёнида қўллаш аниқ босқичлар асосида амалга оширилишини ҳисобга олиб, белгилаб олинган босқичлар, жараёнга киришиш ва натижани акс эттиради:


I-босқич: касб-ҳунарга оид тушунчалар ҳақидаги дастлабки маълумотлар билан танишиш ва уларнинг моҳиятини англаб етиш.

II-босқич: касб-ҳунарга оид фикрини аниқ, объектив, мантикий изчилликда, ихчам, маъноли ифодалай олиш малакаси ҳамда дунёқарашни шакллантириш.

III-босқич: Касб-ҳунарга оид ҳосил бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳамда касбий дунёқарашлар асосида маълум бир касбга бўлган қизиқишни аниқлаш.

Ушбу босқичлар асосида ишлаб чиқилган касб-ҳунарга оид тушунчаларни шакллантириш технологияси 3-расмда келтилади:

2-расм. Касб-ҳунарга оид тушунчаларни шакллантириш технологияси:



Юқорида келтирилган касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш тизимини технология дейиш ўринлидир. Чунки, буни амалга ошириш яъни дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда қўллаш касб-хунарга оид тушунчаларни шаклланишда самарали натижага олиб боришни кафолатлайди. Зеро, «Таълим технологияси» хусусида яратилган адабиётларда, атамалар луғатларида берилган таърифларда: педагогик технология – ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигидаги аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг самарали натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнидир. Ушбу технологияни яратиш, уни босқичма-босқич ташкил этиш, машғулотларнинг ўқувчи ёши ва индивидуал хусусиятларига мослиги, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда узвий олиб борилиши бошланғич синф ўқувчиларини ўқитиш ва тарбиялашда кўзланган мақсадимизга эришишнинг асосидир.

Диссертациянинг учинчи боби **“Педагогик тажриба-синов ишларини олиб бориш ва уларнинг натижалари”** деб номланиб, мазкур бобда бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш технологияси бўйича педагогик тажриба-синов ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш мазмуни ҳамда унинг натижалари ёритилган.

Ўқувчилар билан олиб борилган тажриба-синов ишлари натижаларига асосланган ҳолда математик-статистик таҳлил методи қўлланилди. Тажриба-синов жараёнида 2010-2011 ўқув йилида 1194 нафар, шундан тажриба гуруҳида 599 нафар ва назорат гуруҳида 595 нафар ўқувчилар иштирок этди. Тадқиқот юзасидан педагогик тажриба - синов ишларини амалга ошириш Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 319, 26 , Юнусобод тумани 272, 12, Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 20,17-умумий ўрта таълим мактабларида олиб борилди. Педагогик тажриба-синов жараёни қўйидагича расмийлаштирилди: ЎМКХТТКМО ва УҚТИнинг 2011 йил 26-февралдаги № 01/1-73 сонли хатига жавобан Навоий вилояти Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг 2011 йил 3-мартда №01-229 сонли хати Хатирчи тумани ХТМФМТТЭБда ижро учун қабул қилинган ва 2011 йил 11-мартдаги №03/01-116 сонли хати 20-умумий ўрта таълим мактабида ижро учун қабул қилиниб, 2011 йил 12 -мартда № 74 сонли буйруғи ҳамда 17 умумий ўрта таълим мактабининг 14.03.2011 йилдаги 22 сонли буйруқлари чиқарилган. Шунингдек, институтнинг 2011 йил 26-февралдаги № 01/1-74 сонли хатига жавобан Тошкент ХТМФМТТЭБнинг 2011 йил 2 мартдаги №03-5/1-920 сонли хати Яккасарой тумани Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимидан ижро учун қабул қилинган ва 2011 йил 10-мартдаги №03-6/1-260 сонли хати 26-умумий ўрта таълим мактабида ижро учун қабул қилиниб, 2011 йил 22-мартда №33 сонли, 319-мактабда 10.03.2011да 42 сонли буйруқлари чиқарилган.

Юнусобод ТХТМФМТТЭБнинг 5.03.2011даги №MS-10-439 сонли хатига жавобан 12-мактабда 10.03.2011йилда №60 сонли, 272-мактабнинг

5.03.2011 йилдаги №55 Тажриба-синов ишлари ташкил қилинган барча умумий ўрта таълим мактабларда ҳар бир синфнинг “А” синфлари тажриба, “Б” синфлари назорат синфлари сифатида олинди. Шунингдек, чиқарилган буйруқларда тажриба-синов ишларини олиб боришга қатнашувчи ўқитувчилар ҳамда назоратчилар тайинланди. 1,2,3,4 синфларда тажриба-синов ишларини олиб бориш учун тажриба-синов дастури тузилиб, ЎМКХТТКМО ва ЎҚТинститутининг “Педагогик технологиялар” кафедрасининг 2010 йил 25 декабрдаги йиғилишида тасдиқланиб, амалиётга тадбиқ этишга қарор қилинди.

Бошланғич синф ўқувчиларида касб-ҳунарга оид тушунчаларни шакллانганлик даражаси ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари асосида аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Умумий ўрта таълим муассасалари бошланғич синф ўқувчиларида касб-ҳунарга оид тушунчаларни шакллантиришнинг назарий асосланиши, муаммо педагогик масала сифатида ўзининг тўлақонли ечимини топмаганлигини кўрсатди.

2. Касб-ҳунарга оид тушунчаларни шакллантиришнинг янги педагогик технологияларини қўллаш услублари ишлаб чиқиш заруратининг мавжудлиги ва буни амалга ошириш учун ўқувчиларда касб-ҳунарга оид тушунчаларнинг қай даражада шаклланганлиги юзасидан билим ва кўникмаларини аниқлашга асос бўлди.

3. Касб-ҳунарга оид тушунчаларни шакллантириш ўқувчиларни баркамол шахс сифатида тарбиялаш, ижодкорлик қобилиятлари, шахсий хислатларини шаклланишида муҳим босқич бўлиб, ўқув предметларига ижодий ёндашиш ва улардан чуқур таҳлил асосида фойдаланиш бошланғич таълимнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

5. Таълим тизими педагогик технологияларига оид методик қўлланмалар билан таъминлаш даражаси тобора яхшиланиб бораётган бир пайтда, касб-ҳунарга оид тушунчаларни шакллантириш технологиясини ишлаб чиқиш зарурати назарий жиҳатдан асосланди. Шунга кўра, бошланғич синф дарсликларининг касб-ҳунарга оид тушунчаларни шакллантириш ҳолатини ҳисобга олиб унинг услубияти ишлаб чиқилди.

6. Ўқитувчига қўйиладиган педагогик талаблар ва педагогик маҳоратнинг тўғри бажарилиши касб-ҳунарга оид тушунчаларни шаклланиш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи муносабатининг мўътадил давомийлигини таъминлашга олиб келиши билан бир қаторда ўқувчиларни ўзлаштириш даражаларини кўтарилишига олиб келади.

7. Касб-ҳунарга оид таълим-тарбия андазасини яратиш, уни босқичма-босқич ташкил этиш, машғулотларнинг ўқувчи ёши ва индивидуал хусусиятларига мослиги, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда узвий олиб

бориш билан бошланғич синф ўқувчиларини ўқитиш ва тарбиялашда кўзланган мақсадга эришилади.

8. Ахборот технологияларидан дидактик мақсад ва вазифаларини амалга оширишда фойдаланишнинг методик таъминотини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш дарс унумдорлигини оширади.

9. Касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш сифатлари ва ўзлаштириш даражаларини аниқлаш, самарадорлик кўрсаткичларини белгилашда аниқ усуллар ёрдамида баҳолашга эришилади.

10. Аниқ ўлчов мезонларини ишлаб чиқиш асосида муайян билим, кўникма ва малакаларнинг сифатини баҳолаш кўрсаткичларини аниқлашга имкон беради.

ТАВСИЯЛАР

1. Бошланғич синф ўқувчиларининг ёши ва ўзлаштириш имкониятларига кўра касб-хунарга оид ахборотларни танлаш.

2. Ўқувчиларда касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш юзасидан маълумотлар беришда ҳудудий жойлашувни инобатга олиш.

3. Ўқувчиларда касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантиришда миллий, қадимий ва замонавий касб-хунар ҳақидаги маълумотларни ўйғунлаштиришга эришиш.

3. Бошланғич синф ўқув предметларининг касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш имкониятларидан келиб чиқиб, дарс жараёнининг асосий воситаси сифатида ижодий фойдаланишни йўлга қўйиш.

4. Маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда кўргазмали воситалар, замонавий ахборот технологиялари, альбомлардан ҳар бир дарс ва дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларда кенг фойдаланиш.

5. Бошланғич синф ўқувчиларини касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантиришда аниқ бир тасаввур ва тушунча ҳосил қилиш учун турли касб-хунар соҳиблари билан учрашув ва экскурсиялар ташкил этиш.

6. Бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчалар шаклланиш технологиясини тўла амалга оширишда “Ўйин” технологиясидан кенг фойдаланиш.

7. Дарс жараёнида бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантиришда хизмат қиладиган, чуқур илмий-методик асосга эга дарс ишланмаларидан фойдаланиш.

8. Олий маълумотли педагог ходимлар билан бир қаторда, педагогика коллежларининг “Бошланғич синфларда таълим тарбия” мутахассислигини олган ходимларга ҳам касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантиришни амалга ошира олиш талабини қўйиш.

Диссертациянинг асосий мазмуни қуйидаги илмий-услубий ишларда ўз ифодасини топган:

I. Услубий қўлланмалар, илмий журналлардаги мақолалар:

1. Эргашев Ш., Ибрагимов Т., Хафизова Н.Х. Ногиронлар учун касблар тавсифномаси. Услубий қўлланма. – Тошкент: Келажакка қадам, 2006. – 47 б.

2. Хафизова Н.Х. Бошланғич синф ўқувчиларини касб-хунарга йўналтиришнинг услубий асослари. Услубий қўлланма. –Тошкент: Сано-стандарт, 2011. – 54 б.

3. Хафизова Н.Х. Касбий ахборот бериш // Бошланғич таълим. – Тошкент, 2011. – № 8. – Б. 9.

4. Насриддинова Г., Хафизова Н.Х. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда касбий маслаҳатларнинг ўрни // Мактаб ва ҳаёт. – Тошкент, 2007. – № 7-8. – Б. 15-16.

5. Хафизова Н.Х. Ўқувчиларни касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантиришнинг дидактик асослари // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2011. – № 4. – Б. 23-26.

6. Хафизова Н.Х. Содержание профессиональной ориентации учащихся начальной школы // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. – Тошкент, 2011. – № 2. – Б. 184-187.

7. Хафизова Н.Х. Информацион технологиялар уларни ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларидаги ривожланиши // Касбий фанлар методикаси. – Тошкент, 2011. – № 1. – Б. 9-11.

8. Хафизова Н.Х. Хунарли киши хор бўлмас // <http://ziyonet.uz/uzc/librari/libid/70000/offset/240>.

9. Турежанова Г., Мингбаева Б., Хафизова Н. Воспитание и профессиональная ориентация учащихся начальных классов на примере образцов народного творчества // Педагогические науки. – Москва, 2011. – №5. – С. 162.

10. Хафизова Н.Х. Одобнома дарсида бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш // Халқ таълими. – Тошкент, 2011. – № 5. – Б. 51-54.

II. Муаллифлик гувоҳномалари ва патентлар

11. Джураев Р.Х., Эргашев Ш., Холикназаров Р., Гозиев С., Хафизова Н., Решетов Ш. Касблар алифбоси. Ўқув қўлланма // ЎЗР Давлат патент идораси № ВГУ 00266. 24.05.2011.

III. Илмий тўпламларда, конференция материалларида чоп этилган мақолалар:

12. Хафизова Н.Х. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришдаги асосий фаолият // Ўқувчиларни узлуксиз касб-хунарга йўналтириш истиқболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2008. – Б. 240-243.

13. Каримов Ш., Хафизова Н.Х. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда касбий ахборотлардан фойдаланиш // Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш: муаммо ва ечимлар. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2007. – Б. 149-152.

14. Хафизова Н.Х. Педагогические условия повышения эффективности образовательного процесса среднего профессионального образования // Проблемы формирования конкурентоспособной личности творческой

деятельности. Материалы международной научно-практической конференции. – Шымкент -Москва, 2009. – Б. 253-258.

15. Хафизова Н.Х. Ахборот технологиясининг муҳим омили-масофавий таълим // Педагогик кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг замонавий шакллари жорий этиш муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2009. – Б. 241-242.

16. Хафизова Н.Х. Бошланғич синф ўқув предметларининг касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантиришдаги ўрни // Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида кадрлар тайёрлаш жараёни мазмуни, ўқитиш воситалари ва шакллариининг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш. Республика илмий-амалий конференция материаллари.– Тошкент, 1-том, 2011. – Б. 177-179.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Хафизова Нилуфар Хамидуллаевнанинг 13.00.01-Педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича “Бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш технологияси” мавзусидаги диссертациясининг

Р Е З Ю М Е С И

Таянч сўзлар: касб, ҳунар, касбий билим, меҳнат, техник восита, технология, ахборот технологиялари, педагогик технологиялар, касб-хунарга оид тушунчалар, бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчалар.

Тадқиқот объекти: бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш жараёни.

Тадқиқот мақсади: бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш.

Тадқиқот методлари: муаммони назарий таҳлил қилиш, дарсликлар ва методик ишланмалар таҳлили; педогогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: тадқиқотда бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш самарадорлигини оширишнинг илмий-методик асослари кўрсатилди. Бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш технологияси ишлаб чиқилди.

Амалий аҳамияти: бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш юзасидан аниқ тавсиялар берилгани, уларни ўқувчилар онгига сингдириш йўллари кўрсатилгани, методик ишланмалар тайёрлангани ишнинг амалий аҳамиятини таъминлайди.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқотнинг асосий ғоялари илмий-методик журналларда ва республика илмий-назарий анжуманлар тўпламларида ўз аксини топган.

Қўллаш соҳаси: умумий ўрта таълим муассасаларидаги ўқув жараёнда, бошланғич синф ўқувчиларида касб-хунарга оид тушунчаларни шакллантириш жараёнида методик ишланмалар сифатида фойдаланиш мумкин.

Р Е З Ю М Е

На тему «Технология формирования профессиональных знаний у учеников начальных классов» претендента на учёную степень кандидата педагогических наук Хафизовой Нилуфар Хамидуллаевны по специальности 13.00.01- История и теория педагогики

Ключевые слова: профессия, профессиональное знание, технические средства, технология, информационные технологии, педагогические технологии, профессиональные знания у учеников начальных классов.

Объект исследования: процесс формирования профессиональных знаний у учеников начальных классов.

Цель исследования: разработать и внедрить в практику технологии развития формирования профессиональных знаний у учеников начальных классов.

Методы исследования: теоретический анализ проблемы, анализ учебников и методических разработок, педагогический опыт-проба (испытание), математико-статистический анализ.

Полученные результаты и их новизна: указаны научно-методические основы повышения эффективности развития формирования профессиональных знаний у учеников начальных классов. Разработана система развития формирования профессиональных знаний у учеников начальных классов.

Практическая значимость: даны точные рекомендации по формированию профессиональных знаний у учеников начальных классов, указаны методы эффективного усвоения данного материала учениками, а также разработанные методические разработки обеспечивают практическую значимость данной работы.

Степень внедрения и экономическая эффективность: основные идеи исследования выражены в таких научно-методических журналах и научно-теоретических сборниках конференций.

Сфера применения: можно использовать как методическую разработку в процессе обучения в средне -специальных учебных заведениях в формировании профессиональных знаний у учеников начальных классов.

R E S U M E

The theme is on «The technology of forming professional knowledge in primary school pupils» by the applicant Hafizova Nilufar Hamdullaevna, majoring in history and pedagogical theory-13.00.01 for the scientific degree in pedagogy

Key words: profession, professional knowledge, technological facilities, technology, IT, pedagogical technology, professional knowledge in primary school pupils.

Research object: the process of generating professional knowledge in primary school pupils.

Aim: to devise and implement the technology of shaping professional knowledge in primary school pupils

Research methods: theoretical analysis of the matter, examination of textbooks and methodical works, pedagogical experiment and mathematical-statistical analysis.

Obtained results and the latter's novelty: scientific-methodical basics are introduced for accelerating the efficiency in developing the formation of professional knowledge in primary school pupils.

Practical significance: precise guidance has been presented for forming professional knowledge in primary school pupils. Moreover, methods helpful in effective adoption of the study materials by students along with devised methodical works stress out the practical importance of the research work.

Introduction and prospective economic efficiency: the prime points of the research have been covered in such science-methodic magazines and science-theoretical collected articles of conferences.

The sphere of application: the research work can be used as a methodical work in an educational process at secondary-special educational establishments in shaping professional knowledge in primary school pupils.